

Энг афзал кўз ёши



11:30 / 24.03.2022 3442

Бир киши донишманддан: «Эркаклар ҳам йиғлайдимми?», деб сўради. Донишманд: «Ҳа, эркаклар ҳам йиғлайди» деди. Бояги одам: «Эркаклар қачон йиғлайди?» деб сўраган эди, донишманд шундай деди: «Эркаклар оналари вафот этганда йиғлайдилар, эркаклар оталарини йўқотганда йиғлайдилар, фарзандларидан бири касал бўлиб қолганда йиғлайдилар, қизларини узатаётганда йиғлайдилар, ўғилларидан бирортаси яхши гапларини инкор этганда, ўзини катта олганда, бўйинсунмаганда, бир оғиз сўз билан бўлса ҳам дилларига озор берганда, болаларига таом олиб келолмаганда ёки уларнинг сўраган бирор ҳожатини раво қилолмаганда, одамлар менсимай четга суриб қўйганда, сиқилганда, ватанни соғинганда, яқинларини йўқотганда йиғлайдилар. Эркаклар ҳам йиғлайдилар, аммо қоронғу жойда, ёмғир остида, ёстиқ устида йиғлайдилар. Баъзан кўзларидан чиққан ёш юзларини ювади, кўп ҳолларда улар қалбдан

йиғлашади ва бунинг асари қарашларида, юздаги ажинларда, сочлари оқарганда, қўллари қалтираганда кўринади. Эркаклар кўпинча шундай йиғлайдилар».

Эркак киши ҳам инсон, унда ҳам қалб бор. У ҳам эзилади, қалби оғрийди, йиғлайди. Аммо динимизда кўз ёшларнинг энг афзали Аллоҳ таолодан кўрқиб йиғлаш экани таъкидланган. Шунинг учун мана шу кўз ёшига эътиборсиз бўлмаслигимиз керак.

Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таолога икки томчи ва икки оёқ изидан маҳбуброқ нарса йўқдир. Улар: Аллоҳдан кўрқиб тўкилган ёш томчиси ва Аллоҳ йўлида тўкилган қон томчиси. Ҳамда Аллоҳ йўлида босилган қадам изи ва Аллоҳ фарзларидан бирини адо этиш учун босилган қадам изи»**, дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.

Яна бир саҳиҳ ҳадисда қиёмат куни Аллоҳ таолонинг Аршининг соясида турадиган етти тоифа баён этилганда, уларнинг қаторида Аллоҳ таолодан кўрқиб йиғлаган киши зикр этилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ таоло етти тоифа кишини соя йўқ Кунда ўз соясидан (Қиёмат ҳароратида Аршнинг соясидан) паноҳ берур:**

- 1) одил подшоҳ;**
- 2) Аллоҳнинг ибодатида ўсган йигит;**
- 3) масжидга қалби муаллақ бўлган киши, яъни масжиддан чиқиб, то унга қайтгунча қалби боғлиқ бўлувчи;**
- 4) Аллоҳ йўлида дўст бўлувчи икки биродар шахс, улар Аллоҳ йўлида жам бўлиб, Унинг йўлида ажраладилар;**
- 5) бир кишини ҳусну жамолда тенгги йўқ аёл (ёмон ниятда) ўз нафсига чақирса, у киши Аллоҳдан кўрқаман, деб жавоб қилса;**

6) бир киши бирор садақа қилса, ўша берган садақасини шу даражада махфий қилсаки, ўнг қўли билан берганини чап қўли сезмаса;

7) бир киши холи ҳолда Аллоҳни эслаганида, кўзидан ёш оқса», дедилар.

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Аллоҳ таоло барчамизга Ўзидан қўрқиб йиғлаш бахтини ато этсин!
Барчамизга қиёмат куни нажотга сабаб бўладиган кўз ёши берсин! У Зот ҳаммамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади